## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИДА МАВЖУД БЎЛГАН БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

## БАРЧА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ МАЛАКА ВА ШАХСИЙ ТАЛАБЛАР

1. Барча номзодлар молия, иқтисодиёт ёки банк йўналишларида олий маълумотга эга бўлиши (хорижий ва халқаро олий ўқув юртларида таҳсил олган номзодлар имтиёзга эга бўладилар);
2. Рус ва ўзбек тилларини мукаммал билиш (Инглиз тилини билиш ва IELTS сертификатига эга бўлган (камида 6 балл) номзодлар имтиёзга эга бўладилар);
3. Компьютер саводхонлиги, жумладан Microsoft Word, Excel ва Power Point дастурларини билиши;
4. Меҳнатсеварлик ва ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш;
5. Профессионал этикет, ҳамкасбларга ҳурмат билан қараш;
6. Муомала ва музокара маданияти;
7. Ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда таклифларини тақдим қила олиш қобилияти.

**НОМЗОДЛАР АНКЕТАЛАРНИ ЮБОРИШДА АЛБАТТА ҚАЙСИ БОШҚАРМА ВА БЎЛИМДА ҲАМДА ЛАВОЗИМДА ИШЛАШ ИСТАКЛАРИНИ АНИҚ КЎРСАТИБ ЎТИШЛАРИ ЛОЗИМ**

**АКС ҲОЛДА АНКЕТАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ !!!**

Танлов жараёни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги «Кадрлар захирасини ташкиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимига ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 108-сонли буйруғида тасдиқланган тартиб-қоидалар асосида махсус тузилган комиссия томонидан 3 босқичда амалга оширилади.

**1-босқич:** Юқоридаги талабларга жавоб берадиган номзодлар қуйида келтирилган электрон манзил орқали **рус** ва **ўзбек** тилларидаги **маълумотномаларини** (CV word шаклида) топширишлари лозим ҳамда қисқача нима учун шу лавозимда ишлаш истаги борлиги тўғрисида иншо ёзиб жорий йилнинг **22 октябрга** қадар жўнатишлари (ўзбек ва рус тилларида) зарурдир (**CV намунаси илова қилинади**). **24 октябрга** қадар ишчи гуруҳи томонидан CV ва ёзилган иншолар ўрганиб чиқилади ва талабларга жавоб берган номзодлар кейинги босқичга ўтганликлари тўғрисида хабар берилади.

**2-босқич:** Жорий йилнинг **26 октябрь** куни иккинчи босқичга ўтган номзодлар билан юқоридаги талабларга жавоб беришларини текшириш мақсадида ўзбек ва рус тилларида суҳбат ўтказилади. Суҳбат натижаси балл тизими бўйича баҳоланади (энг юқори 10, энг паст 1 балл), бунда комиссиянинг ҳар бир аъзоси суҳбат натижаси бўйича номзодларга балл қўйиб чиқади.

**3-босқич:** Жорий йилнинг **28 октябрь** кунига қадар комиссия 2 босқичдан ўтган номзодларнинг балларини кўриб чиқиб, танлов натижалари тўғрисида маълумот берилади.

*Барча ҳужжатларни* ***KMansurova@ppp.mf.uz*** *электрон манзилига юборишингиз сўралади.*
*Боғланиш учун (+99871) 203-03-07 (714) телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.*

# (CV наъмуна)

| | | | |
|---|---|---|---|
| **МАЪЛУМОТНОМА** (14 шрифт) | | | **РАСМ 3х4** |
| **Раббимов Ғанижон Шокирович** (14 шрифт) | | | |
| 2012 йил 20 февралдан<br>**Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлимининг етакчи инспектори** (11 шрифт) | | | |
| **Туғилган йили:**<br>20.08.1985<br>(11 шрифт) | | **Туғилган жойи:**<br>Сирдарё вилояти<br>Гулистон шаҳри<br>(11 шрифт) | |
| **Миллати:**<br>ўзбек(11 шрифт) | | **Партиялиги:**<br>партиясиз(11 шрифт) | |
| **Маълумоти:**<br>олий(11 шрифт) | | **Тамомлаган:**<br>2006 й. Самарқанд Давлат университетини (бакалавр) (11 шрифт) | |
| **Маълумоти бўйича мутахассислиги:**<br>(11 шрифт) | | иқтисодчи<br>(11 шрифт) | |
| **Илмий даражаси:**<br>йўқ(11 шрифт) | | **Илмий унвони:**<br>йўқ (11 шрифт) | |
| **Қайси чет тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши лозим):** рус тилини(11 шрифт) | | | |
| **Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):**<br>йўқ(11 шрифт) | | | |
| **Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**<br>йўқ(11 шрифт) | | | |

## МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ(14 шрифт)

| | | |
|---|---|---|
| 2002-2006 й. | - | Самарқанд Давлат университети юридик факультетининг талабаси(11 шрифт) |
| 2006-2008 й. | - | Сирдарё вилояти Гулистон туман суд ижрочилари бўлинмасининг суд ижрочиси(11 шрифт) |
| 2008-2010 й. | - | Сирдарё вилояти Боёвут туман суд ижрочилари бўлимининг катта суд ижрочиси(11 шрифт) |
| 2010-2012 й. | - | Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлимининг инспектори(11 шрифт) |
| 2012 й.-ҳ.қ. | - | Суд департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд қарорларини ижро этиш бўлимининг етакчи инспектори(11 шрифт) |

**1. Ижтимоий соҳа объектлари бўйича ДХШ лойиҳаларини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари - Таълим, маданият ва спорт соҳалари бўйича ДХШ лойиҳаларини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи**

**Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**
**Талаблар:**

- иқтисодиёт, молия ёки банк йўналишларида камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда аниқ етказиш ва бошқарув қарорларини тезкорлик билан қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- ҳужжатларни рус ва ўзбек тилларида пухта тайёрлаш;
- соҳа бўйича қонун ҳужжатларини, шунингдек Агентлик соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини билиш, янгича ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- назария билан амалиётни боғлаш кўникмаларига эга бўлиш, асосланган таҳлилий материалларни тайёрлаш ва ҳимоя қила олиш;
- инглиз ва ўзбек тилларини билиш;
- жамоада ишлаш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш.

**Вазифалар:**

- Бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва унинг ишини ташкиллаштириш, берилган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни олиб бориш;
- ДХШ лойиҳаларининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ва концепциясини таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;
- берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.
- давлат-хусусий шерикликка оид меъёрий ҳужжатлари талабларини оғишмай бажарилиши таъминлаш;
- вазирликлар ва идораларга соғлиқни сақлаш, туризм ва ёшлар марказлари бўйича ДХШ лойиҳаларининг концепциялари, тендер ҳужжатлари, битимлар лойиҳалари, лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқишда давлат ташаббускори ёки хусусий ташаббускорларга кўмаклашиш;
- давлат-хусусий шериклик тармоқ ривожланиш дастурларини амалга ошишини таҳлил қилиш;
- лойиҳаларни амалга ошириш самарасини баҳолаш мезонларини билиш;
- вазирликлар ва идораларга соғлиқни сақлаш, туризм ва ёшлар марказлари бўйича давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича консультатив ёрдам кўрсатиш;
- амалдаги меъёрий ҳужжатларни ва йўриқномаларни ўрганиб бориш.

(APMG сертификати ёки муқобил сертификатларга эга бўлган етук мутахассислар, шунингдек хатарларни баҳолаш, инвестициявий лойиҳалар ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тажрибасига эга бўлган номзодлар имтиёзга эга бўладилар).

**2. Ижтимоий соҳа объектлари бўйича ДХШ лойиҳаларини таҳлил қилиш бошқармаси Таълим, маданият ва спорт соҳалари бўйича ДХШ лойиҳаларини таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси**

**Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**
**Талаблар:**

- иқтисодиёт, молия ёки банк йўналишларида камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиш;

- ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда аниқ етказиш ва бошқарув қарорларини тезкорлик билан қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- ҳужжатларни рус ва ўзбек тилларида пухта тайёрлаш;
- соҳа бўйича қонун ҳужжатларини, шунингдек Агентлик соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини билиш, янгича ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- назария билан амалиётни боғлаш кўникмаларига эга бўлиш, асосланган таҳлилий материалларни тайёрлаш ва ҳимоя қила олиш;
- жамоада ишлаш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш.

**Вазифалар:**

- ДХШ лойиҳаларининг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ва концепциясини таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;
- берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.
- давлат-хусусий шерикликка оид меъёрий ҳужжатлари талабларини оғишмай бажарилиши таъминлаш;
- вазирликлар ва идораларга соғлиқни сақлаш, туризм ва ёшлар марказлари бўйича ДХШ лойиҳаларининг концепциялари, тендер ҳужжатлари, битимлар лойиҳалари, лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқишда давлат ташаббускори ёки хусусий ташаббускорларга кўмаклашиш;
- давлат-хусусий шериклик тармоқ ривожланиш дастурларини амалга ошишини таҳлил қилиш;
- лойиҳаларни амалга ошириш самарасини баҳолаш мезонларини билиш;
- вазирликлар ва идораларга соғлиқни сақлаш, туризм ва ёшлар марказлари бўйича давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича консультатив ёрдам кўрсатиш;
- амалдаги меъёрий ҳужжатларни ва йўриқномаларни ўрганиб бориш;
- Бўлим бошлиғининг ҳамда Агентлик раҳбарият топшириқларига кўра Бўлим ваколатига кирадиган бошқа ишларни ўз вақтида бажариш.

(APMG сертификати ёки муқобил сертификатларга эга бўлган етук мутахассислар, шунингдек хатарларни баҳолаш, инвестициявий лойиҳалар ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тажрибасига эга бўлган номзодлар имтиёзга эга бўладилар).

**3. Мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил шўъбаси бошлиғи**

**Лавозимга мос асосий талаб ва вазифалар**
**Талаблар:**

- иқтисодиёт, молия ёки банк йўналишларида камида 5 йил иш тажрибасига эга бўлиш;
- ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда аниқ етказиш ва бошқарув қарорларини тезкорлик билан қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- ҳужжатларни рус ва ўзбек тилларида пухта тайёрлаш;
- соҳа бўйича қонун ҳужжатларини, шунингдек Агентлик соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини билиш, янгича ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- шўъба иш жараёнларини мувофиқлаштиришнинг янгича ва самарали ёндашувларини, хориж илғор тажрибаларини қўллаган ҳолда ахборот-таҳлил ишларини ташкиллаштириш, аналитик ва креатив фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;
- жамоада ишлаш, ўз қарашларини ҳимоя қила олиш.

**Вазифалари:**

- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш ва ушбу йўналишда таклифлар ишлаб чиқиш;
- давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш масалаларида инвесторлар, халқаро молия ва донор ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, шунингдек, бозорнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил этиш;
- оммавий ва давлат агентликларига, хусусий секторларга, шунингдек, халқаро молиявий идораларга давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳолати бўйича маълумотларни тайёрлаш ва етказиб бериш;
- давлат-хусусий шериклик ривожланиши учун бағишланган халқаро иқтисодий ташкилотларда ва халқаро анжуманларда иштирок этиш;
- давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар таклиф этиш.